

TOSHKENT OQSHOMI



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 25 (14,128) 22 ИЮНЬ, ПАЙШАНБА 2023 йил

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



vtto.uz



vtto_uz@mail.ru



@Toshkent_oqshomi



Toshkent oqshomi



Toshkent Oqshomi_24



АНОНС



ЗУЛМАТДАГИ
ТАҚДИРЛАР



ПОЙТАХТ АВТОБУСЛАРИДА
ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ НЕЧА
ФОИЗГА ОРТДИ?



КЎЗГУГА ТИК
БОҚАЙЛИК!



ТУРКСОЙ – БИРЛАШИШ НУҚТАСИ

Пойтахтимиз жорий йилнинг 18-19 июнь кунлари Халқаро туркий маданият ташкилоти – ТУРКСОЙнинг 30 йиллик юбилейи тантаналарига мезбонлик қилди. Ушбу нуфузли анжуман туркий тилларда сўзлашувчи қадриятлари уйғун, маънан яқин миллатларни бир жойга жамлади.

Халқаро тадбир доирасида юртимизга туркий тилли давлатлардан 150 дан зиёд меҳмонлар, хусусан маданият ва санъат вакиллари ташриф буюрди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2022 йил 17 октябрдаги 02-ПА 2-5902-сонли топшириғига мувофиқ, ташкилотга аъзолик бадали 2023 йил 1 январдан бошлаб давлат бюджети ҳисобидан тўлаб борилиши қайд этилди. Унга кўра, ТУРКСОЙ доимий кенгаши маданият вазирларининг 39-мажлиси якунида имзоланган қарорда Ўзбекистон учун аъзолик бадали 500 минг АҚШ доллари этиб белгиланди.



ТУРКСОЙ – собиқ расмий номнинг қисқартирилгани яъни “Turk Kültür ve Sanatları Ortak Yönetimi” туркий давлатларга хос тилларни, қадриятларни сақлаб қолиш ва тараққий эттиришни мақсад қилган Халқаро туркий маданият ташкилоти. Турксоёй – Шарқий Европа, Кавказ, Марказий Осиё ва Ғарбий Осиёдан Шимолий Осиё (хусусан Сибир) ва Шарқий Осиёга қадар Евроосиёнинг туркий халқлари сўзлашадиган камида 35 ҳужжатлаштирилган тилларнинг оиласи ҳисобланади. Ана шу туркий тилда сўзлашувчи баъзи давлатлар ҳамжиҳатликда ушбу ташкилотга асос солган.

1992 йилда Боку ва Истанбулда бўлиб ўтган учрашувларда Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Туркия ва Туркменистон маданият вазирлари маданий доирада ўзаро ҳамкорлик хусусида музокара олиб боради. Фурсат ўтиб 1993 йил 12 июль Олмаотада имзоланган битим асосида Халқаро туркий маданият ташкилот – Турксоёй ташкил этилди.

ТУРКСОЙ туркий халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлаш йўлида! Халқларнинг умумий маданий меросини келажак авлодларга етказиш ва уни бутун дунёга тарғиб қилиш ташкилотнинг асосий мақсадларидан бири.



Халқаро анжуман доирасида “Турк дунёси” номли рассомлар ва хунармандлар кўргазмаси ташкил этилди. Шу билан бирга туркий давлатлар ўртасида бир қатор лойиҳа ва битимлар борасида музокаралар олиб борилди. Шунингдек, Халқаро туркий маданият ташкилоти – ТУРКСОЙнинг 30 йиллик юбилейи муносабати билан 6 та давлат – Туркия Республикаси, Венгрия Республикаси, Озарбайжон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғиз Республикаси ва Туркменистондан жами 100 га яқин таниқли санъаткор ва ижроичилар иштирокидаги тантанали концерт дастури бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазири О.Назарбеков, Халқаро туркий маданият ташкилоти – ТУРКСОЙ Бош котиби, Туркий давлатлар ташкилоти Бош котиби К.Омуралиев, Озарбайжон Республикаси маданият вазири А.Керимли, Қозоғистон Республикаси маданият ва спорт вазири ўринбосари Н.Дауэшов, Туркия Республикаси маданият ва туризм вазири ўринбосари А.Альпарслан, Қирғиз Республикаси маданият, ахборот, спорт ва ёшлар сиёсати вазири ўринбосари К.Иманалиев, Туркий тилли давлатлар парламент ассамблеяси бош котиби М.Сурейя, “Турк ҳаво йўллари” бошқаруви раиси О.Бирдал, ТРТ Аваз директори С.Сағирқаялар иштирок этди.

Маросимда ўзбек маданияти ва санъатини дунё миқёсида тарғиб қилишга муносиб ҳисса қўшганлиги учун бир гуруҳ санъаткорлар ташкилотнинг “Олтин медаль” мукофоти билан тақдирланди:

- Маданият ва туризм вазири Озодбек Назарбеков;
- Профессор Бахтиёр Сайфуллаев (марҳум);
- Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев;
- Ўзбекистон Бадий академияси раиси Акмал Нуриддинов;
- Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саидов;
- Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев;
- Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова.

Шунингдек, бир гуруҳ маданият ва санъат ходимлари ташкилотнинг “30 йиллик” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Халқаро анжуман доирасида “Табаррук зиёрат” платформасининг тақдими ҳам бўлиб ўтди. Платформа 7 та туркий тилли давлатларининг маданияти, муқаддас қадамжолари, зиёрат объектларини ўз ичига олади.

Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазири:

– Пойтахтимиз мезбонлик қилган халқаро анжуман ниҳоятда қизғин ўтди. Ушбу тадбир доирасида бир қатор катта лойиҳаларга старт берилди. Жумладан, “Турк ҳаво йўллари” билан муҳим келишувларга эришилди. Айти пайтда Турк ҳаво йўлларида ҳафтасига 31 та қатнов амалга ошириладиган бўлса, келажакда ушбу кўрсаткич 50 тага етади. Шунингдек, Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам қатновларни йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилди. Яна буюк тарихий шахсларимизнинг илмий-маърифий асарларини янада кўпроқ тилларга таржима қилиш борасида ҳам музокаралар бўлиб ўтди. Миллий маънавият ва маданиятни ривожлантириш, уни кенг тарғиб этиш ҳар бир халқнинг юксалишига хизмат қилади. Шу ўринда ҳам маънан, ҳам маданий нуқтаи назардан бир-бирига яқин туркий халқларнинг мана шундай бирлашиши қадриятларнинг янада қадр топишига хизмат қилади.



ПОЙТАХТ АВТОБУСЛАРИДА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ НЕЧА ФОИЗГА ОРТДИ?

Хабарингиз бор, яқинда пойтахтимизга янги автобуслар олиб келинган эди. Бу орқали албатта хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди. Шунга монанд қисқа давр мобайнида автобуслардан фойдаланувчилар сони ҳам ортган. Биргина мисол май ойида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан автобусларда кунига 63 фоизга кўпроқ йўловчи ташилган.

Бир сўз билан айтганда Тошкент шаҳрида жамоат транспортининг муҳим бўғини ҳисобланган автобусларда йўловчиларнинг ташиш сифати ошган. Бекатларда узоқ вақт кутиш одамларга лиқ тўла салон, турли асаббузарликлар – булар эндиликда пойтахт йўналишлари учун ёт воқеликка айланди.

Тошкент шаҳри учун янги автобус ва электробуслар харид қилиниб, йўналишларга қўйилди. Биргина жорий йилнинг 20 апрелида пойтахтимиз автобус парки бир вақтнинг ўзида 400 та Хитойда ишлаб чиқарилган янги автобуслар билан бойиди. Уларнинг 114 донаси 18 метрлик автобуслар, 169 таси электробус ҳамда 117 таси газда ҳаракатланувчи автобуслардир. Натижада ҳаракатланиш вақт оралиқлари анча қисқарди ва йўловчиларга қулайликлар ортди. Бир сўз билан айтганда, хизмат сифати кўтарилганлиги боис йўловчиларнинг сони ҳам кескин кўпайганлиги кузатилмоқда.

Хўш, бу борада йўловчиларнинг фикрлари қандай? Биз улардан айримлари билан суҳбатда бўлдик.

Гуландон Эрматова:

– Хизмат кўрсатиш яхши, ҳар куни ишга қатнайман. Автобуслар 8-10 дақиқа оралиғида келяпти. Аввалги вақтлардагидек узоқ кутиб қолишлар, тиқилчлар йўқ. Айниқса, мана бундай иссиқ кунларда автобусларда совутиш мосламаларининг ишлаб туриш биз учун айти муддао. Тўғриси, маза қилиб, манзилимизга етиб оляпмиз. Бундан жуда хурсандимиз.

Камронбек Дониёров:

– Мен ҳар куни 38, 51, 24 ва 57-автобусларда машғулотларга қатнайман. Ушбу автобуслар 10-12 дақиқа оралиғи билан келади. Барчасида совутиш тизимлари ишлаётганлиги менга жуда ҳам ёқди. Авваллари ёз кунлари автобусларда терлаб-пишиб кетардик. Энди эса муздеккина автобусларда ўз вақтида манзилимизга етиб боряпмиз.



Мурод ОБИДОВ,

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ лойиҳа офиси раҳбари:

– Иккита асосий кўрсаткич бор эди. Бу сифат ва ҳажм кўрсаткичи. Мана шу кўрсаткичларнинг иккаласи бўйича ҳам бугунги кунда режали ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кундаги замонавий автобусларимизга кўрсатилаётган хизматлар сифати аввалгиларига нисбатан анча кўтарилган. Ўтган йил билан солиштирганимизда ҳаракат таркибимизнинг сони деярли 60 фоизга ортган. Шу билан бирга ташув қувватларимиз ҳам ошган. Мана шу кўрсаткичлар биргаликда аҳолимиз учун сифатли транспорт хизматларини кўрсатиш имкониятини берапти.

Кўрсаткичларни аниқ рақамлар мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, жорий йилнинг май ойида кунига ўртача 782 000 нафар йўловчи ташилган. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 63 фоизга кўп деганидир. Яъни ўтган йилнинг мос даврида бир кунда ўртача 478 000 нафар йўловчига хизмат кўрсатилган. 2022 йилнинг май ойида йўналишларга 806 та кунлик автобус чиқарилган бўлса, жорий йилги кўрсаткич 40 фоизга кўлайиб, 1330 тани ташкил этди. Кунлик қатновлар сони эса 10 424 тадан 16 741 тага етди. Бу борадаги ўсиш 60 фоизни ташкил этмоқда.

Тегишли йўналишларимизда интерваллар янада қисқартирилади. Хизмат сифатлари яхшиланиб, янги автобуслар қўйиб борилади. Йўналишлар тармоқларини мақбуллаштириш ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Ана шу мақбуллаштиришда энг муҳим бўлган жиҳатлардан бири – бу битта транспортдан иккинчи транспортга имтиёзли, яъни бепул ўтиш имкониятини берадиган тариф. Мана шу тарифлар август ойдан жорий этилиши белгилаб олиниб, йўналишларга чиқаришга тайёрлаб қўйилган янги ҳаракат таркибларини жорий этишимиз учун шаҳримизнинг барча асосий магистрал автойўлларимизда автобуслар ҳаракати устуворлигини таъминлайдиган инфратузилма объектларини реконструкция қилиш ишларини режалаштирганмиз. Бугунги кунда чорраҳаларда автобуслар ҳаракати устуворлигини таъминлаш, бекатларда бир транспортдан иккинчи транспортга қулай ўтишни таъминлаш каби бир неча комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган лойиҳаларнинг техник ечимлари ишлаб чиқияпти.

Маълумотларга кўра, Тошкент шаҳри йўналишларида янги автобуслар сони 1000 тага етказилади ва республикамизнинг бошқа ҳудудлари учун ҳам қўшимча минг дона янги замонавий электробус ва автобуслар харид қилинади.

Дарҳақиқат, айти йўналишдаги ишларнинг дастлабки натижаларини йўловчилар кун давомида гувоҳ бўлишмоқда. Бироқ мақсад – мамлакатимизда жамоат транспорт хизмати сифатини халқаро стандартларга мослаштиришдир.

Келгусида бу борада автобусда йўловчиларни ташишда яна қатор янги ишлар амалиётга жорий этилади. Жумладан, жорий йил ёз фасли охирига қадар барча 160 та автобус йўналишини нақд пул тушумларини етказиб бериш бўйича кунлик режа бекор қилинган ҳолда Брутто шартномалари асосида иш юритиш тизимига ўтказиш режалаштирилган. Бу билан ҳаракат мунтазамлиги янада яхшиланди.





ЭЗ ТАҚДИРЛАР

Яқин бир неча ойлardan бери халқимиз орасида ўз жонига қасд қилган, эри томонидан шафқатсизларча қалтакланган ёки фарзандларига куч ишлатиб, атрофдагиларга бор аламини кўрсатаётган аёллар ҳақида кўплаб хабарлар тарқалмоқда...

Мамлакатимизда сўнги йилларда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни ўқитиш, раҳбар лавозимларга тайинлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилиб турган бир пайтда бундай нохуш ҳолатларнинг учраётгани кишини ўйга толдиради. Хўш, бир аёлнинг ўз жонига қасд қилиши ёки юрагининг бир парчаси бўлган фарзандининг қотилига айланишига нима сабаб бўлмоқда?

Психологларнинг фикрича, инсонларда бўладиган кучсизлик ва чорасизлик натижасида вужудга келадиган руҳий бузилиш, кучли стресс, бахтсизлик ўз жонига қасд қилиш ёки ўзидан кучсиз бўлганларга азоб бериш орқали намоён бўлади. Ўзбекистонда зўравонликка қарши йўлга қўйилган “Сукут сақлама” лойиҳаси мутахассислари инсон бахтсизлик ва тушкунлик ҳолатига тушмаслиги учун ижтимоий саломатлиги мустаҳкам бўлиши кераклигини таъкидлашмоқда.

Куйида ижтимоий саломатлик ҳақида тўлиқ маълумот берамиз:

Ижтимоий саломатлик нима?

• Бу бошқа инсонлар билан самимий муносабат ўрнатишдир. Мазкур соҳадаги муваффақият бизнинг атрофимиздаги ижтимоий воқеликларга қанчалик мослашимизга боғлиқ.

Ижтимоий саломатлик белгилари нималарда кўринади?

- Ижтимоий ва шахсий вақт бобида меъёрни таъминлаш;
- жамиятда инсонлар билан мулоқот қилиш;
- оилада ва дўстлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш;
- турли ижтимоий вазиятларга тез мослашиш;
- вазиятдан қатъи назар ўзликни сақлаб қолиш;
- ўзга инсонларни ҳурмат қилиш;
- шахсий чегараларни қатъий белгилаб олиш;
- ҳаётдан мамнун бўлиш.

Ижтимоий саломатликни қандай қилиб мустаҳкамлаш мумкин?

1. Ҳар ҳафта камида беш нафар одам билан мулоқот қилинг. Шунда ўзимизни бахтлироқ ҳис этамиз. Қариндошлар бўладими, қўшнилари ёки танишлар, ҳамкасблар, энг муҳими, бу мулоқот сиз учун аҳамиятли бўлсин. Уларга кўнғироқ қилинг, интернет орқали ёзинг, меҳмонга боринг, кўчада учрашинг, бирга овқатланг.
2. Қўшнилари билан иноқ бўлинг. Инсонлар билан тил топишининг синалган усули меҳрибонлик кўрсатиш. Олимлар эса атрофдагиларга, айниқса, қўшнилари яхшилик қилишни маслаҳат беришади. Шунда одам ўзини ёлғиз ҳис этмайди.
3. Телефонда кўпроқ гаплашинг. Бизни жонли мулоқотдан айирган смартфонлар ҳақида қанчалик ёмон гапирмайлик, уларнинг фойдали томонлари ҳам бор. Улар ҳам ёлғизликни енгишга ёрдам бера олади. Ярим соат ёки бир соатлаб гаплашиш шарт эмас, соғинган инсонингиз билан 15 дақиқа гаплашсангиз ҳам кўнглингиз тўлади.
4. Ҳеч бўлмаса, уч нафар инсон билан яқиндан дўстлашинг. Канадада ўтказилган тадқиқотда камида уч нафар дўсти бўлган инсонлар таниш-билишлари камроқ бўлганларга қараганда ўзларини бахтлироқ ҳис этиши исботланди. Дўстлик саломатликка яхши таъсир кўрсатади ва умрни узайтиради.
5. Жамоавий машғулотларда ўзингизни синаб кўринг. Жамоада ўз ўрнини топиб яшаш завқи ўзгача. Бунинг учун қизиқишларга қараб, яқдил фикрли инсонларга яқинроқ бўлиш керак.

Жорий йилнинг ўтган 4 оyi давомида Тошкент шаҳрида жами 722 та ҳимоя ордери тазйиқ ва зўравонликка учраган аёлларга берилган. Улардан 652 таси оилада, 45 таси кўчада, 25 таси жамоат жойида, 2 таси таълим муассасасида, 4 таси иш жойларида содир этилган.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ҳақида гаплашдик. Мавзуимизнинг иккинчи томони эса шафқатсизлик, вазият қурбони бўлаётган болалардир. Болалар келажак авлод давомчиларидир. Бежизга оналаримиз сен ҳам она бўлганингда мени тушунасан дейишмайди. Чунки, оилада бола туғилиши билан ота-она ҳаётининг мазмунини бола касб эта бошлайди. Афсуски, сўнги пайтларда фарзанд ўч олиш қуролига айланмоқда. Норасидаларнинг ҳаётлари инсон қўлида ваҳшийларча топталмоқда. Аслида, ҳаётни бергучи ҳам, олгучи ҳам Аллоҳнинг ўзидир.

Муҳаббат ТУРКМЕНОВА,
Гендер масалалари бўйича мутахассис:

– Хотин-қизлар ҳимояси ижтимоий масъулиятдан бошланиши керак. Тизимли чоралар орқали биз бу ҳимояни амалга ошира оламиз. Қандай чоралар тизимли деб аталади десангиз, масалан энг кўп зўравонликлар жамоат транспортида, тиғиз пайтда содир бўлади. Демак, зўравонликнинг олдини олишунда давлат жамоат транспортида тирбандликларни, тикилинчларнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўриши керак. Ташаббускор лойиҳалар яратишимиз жамиятда зўравонликни қандай ёмон оқибатларга олиб келишини тушунтиришда муҳим роль ўйнайди. Халқимиз атрофида бўлаётган куч ишлатиш, тазйиқ ҳолатларига бефарқ бўлмаса, ҳодисаларни тўхтатишга қурби етса, албатта жамиятда ўсиш бўлади, фуқароларда ижтимоий масъулият ошади. Бугунги кунда ижтимоий зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш мақсадида “Умидани чақиринг” (Call Умида) лойиҳаси йўлга қўйилган. Мақсадимиз кўчада бўлаётган тегажоглик ва зўравонлик ҳолатларини бартараф этишга қаратилган. Халқаро тажрибалар асосида, яратилган лойиҳа асосида тушунтирувчи видеороликлар суратга олдик. Йирик бизнес масъуллари билан биргаликда “хавфсиз жойлар тармоғи”ни ташкил этдик. Хўш, бу тизим қандай ишлайди?

Кўча, кафе, супермаркет, ресторанлар бизга қўшилса, ўз иш жойидан битта жой ажратиб қўяди. Тегажоглик, зўравонлик ҳолатидан жабр кўрган шахслар бизнес ходимларига мурожаат қилишганда. Ажратилган махсус хавфсиз жойга олиб борилади. Уларга 3 та танлаш имкониятлари берилади:

1. Тинчланиб олгандан сўнг ўзи чиқиб кетиши мумкин;
2. Ота-онаси, яқинлари, дўстлари яъни кимни хоҳласа чақириб, улар билан биргаликда хавфсиз ҳудудни тарк этиши мумкин.
3. Тегишли тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши мумкин.

Агар жабрланувчининг ёши 18дан кичик бўлса, унга ўзи манзилига етиб олиш имконияти берилмайди. Қолган 2 та ёрдамдан фойдаланиш мумкин. Савол туғилиши табиий: Нега имконият берилади?

Чунки, аёл киши ёки қиз боланинг ўз фикри ва кучи борлигига ишонамиз. Инсон ҳуқуқларидан келиб чиқиб, ўз ҳаётига аҳамиятли бўлган қарорни қабул қилиши мумкин.

Маълумот ўрнида, бугунги кунда Тошкент шаҳрида 300 га яқин махсус ташкил этилган хавфсиз ҳудудлар мавжуд. Бундай ҳудудларнинг ташкил этилиши нафақат хотин-қизларга, балки зўравонга ҳам жазо борлигини, ҳар бир фуқаронинг давлат ҳимоясидалигини, жиноят эканлигини эслатиб туради.

Тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизларга ҳимоя ордери бериш ҳам йўлга қўйилган. Ҳимоя ордерини кимлар олиши мумкин?

Ҳимоя ордери — тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга давлат ҳимоясини берувчи ҳужжат ҳисобланади. Ҳимоя ордери оилада эридан жабрланган ё учинчи шахсларнинг зулмига учраган аёлларга, ота-онаси ёки бошқа шахсларнинг зулмига дуч келган (вояга етмаган) қизларга, кўни-кўшнлар ўртасидаги келишмовчиликларда жабр кўрган, кўчада, ишда, ўқишда тазйиқ ёки шилқимликка учраган, ҳуқуқбузарлик ё жиноят қурбони бўлган хотин-қизларга берилади.

Маълумот учун, 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ҳамда Ҳукуматнинг 2020 йил 4 январда тасдиқланган «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан ҳимоя ордерини бериш тартиби белгиланган. Ҳимоя ордерини олиш учун маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари: раис ёки ўринбосарлари, ички ишлар органлари ёки ИИБ тизимида ташкил этилган қисқа “1259” қисқа рақамига мурожаат этишлари мумкин.




Ирина МАТВИЕНКО,
“Не молчи” лойиҳаси асосчиси:

– Болалар эмас, буюмлар. Афсуски, бугун жамиятда фарзандга нисбатан шундай муносабат пайдо бўлди. Хотин меҳнат муҳожир бўлган эри қайтишини хоҳлаётганими? У болаларини қийноққа солиб, видеосини эрига жўнатишдан ўзга усул топа олмайди. Эрақ аёлидан ўч олмоқчимми? Яна болалардан фойдаланамиз. Хорижда ишлагани кетган хотинининг хиёнати аламини

болаларидан олиб, уларни бўғиб ўлдирди.

Жамиятимизда нима ўзгарганини билмайман. Лекин кўпинча болалар ота-оналар ўртасидаги низоларда бир восита бўлиб қолмоқда. Катталар ажрашади, жанжал қилади — лекин ҳамма ўз ҳис-туйғулари ҳақида ўйламасдан, болаларни арқон каби ўзига тортади. Фақат иккинчи томондан алам олиш учун. Нима учун катталар бир-бири билан мулоқот қилишни унутиб, шеригига зарар етказиш учун болалардан фойдаланади? Нега маънавият ва маърифат тарғиботига оид маърузалар тескари натижа бермоқда? Нима учун болаларга индивидуал шахс эмас, балки объект сифатида қаралади?

Хулоса ўрнида айтмоқчиманки, ҳаёт инсонга берилган энг олий неъматдир. Уни қадрига етиш, ўзидан кейинги авлодлар учун муносиб ишларга сарфлаш комил инсон сифатларидан биридир. Жамиятда мавжуд муаммоларга ҳар бир шахснинг ўз қараши бўлиши, ўз позициясини аниқ айта олиши иллатларнинг камайиши ва бора-бора йўқ бўлишига олиб келади.



Умида ҲАҚБЕРДИЕВА тайёрлади



КЎЗГУГА ТИК БОҚАЙЛИК!

Тошкент – Ўзбекистоннинг пойтахти, унинг юраги! Ҳамма шу катта шаҳарга интилади, интиқади. Орзу ва мақсадларимиз боғланган маскан! “Тошкент нон шаҳри”, “Тошкентнинг донини еган чумчуқ Маккадан қайтиб келади”, деган гаплар бежиз пайдо бўлмаган аслида...

Бугун Тошкент мегополисга айланди. Пойтахт кўчаларида деярли куну тун ҳаёт қайнади. Қаерга қараманг меҳмонларни кўрасиз. Кун сайин кўркамлашиб бораётган, бағрини янада кенгроқ очаётган Тошкентга қараб қалбинг яйрайди. Аммо баъзида шаҳарда кўнгилни хира қиладиган манзараларга кўз тушганда... беихтиёр “эх”, деб юборамиз. Машинани ойнасидан чиқинди

улоқтираётганлар, кўлидаги егуликларнинг қадоқларини, пластмасса идишларини бемалол истаган жойларига ташлаб кетадиган одамлар афсуски ёнимизда. Четдан биров келиб бизнинг уйимизга ахлат ағдармаяпти. Аммо меҳмонга келиб мезбонларга танбех бераяпти. Мана шуниси янада аламли... Ўз уйимизни кимларнингдир кинояларига мавзу қилаётганимиз ачинарли...

Яқин кунларда ижтимоий тармоқларда хорижлик меҳмоннинг Тошкент кўчаларининг биридаги ачинарли аҳволи, яъни бир қарашда ахлатхонани эслатувчи манзара акс этган видео лавҳаси тарқалди... Бизга шу керак эдимиз?..

Марказий Осиёда энг катта ва қадимий ҳисобланган

Тошкент шаҳри бугунги кунда нега бундай ҳолатда? Бу биз учун жуда уятли ҳолат эмасми? Ёки фақатгина марказлашган жойларгина эътибордами? Ёки инсонларнинг фаросатсизлиги сабабми? Шу каби саволларимизга тўлиқроқ жавоб топиш мақсадида ўша хорижлик меҳмоннинг кадрларига муҳрланган худудга бордик. Бу жой Чилонзор туманидаги “Новза” маҳалласи экан.

Ҳа, видеода акс этган ҳолат рост экан! Майсалар устида, йўлларда уюлиб ётган чиқиндилар кўзларимизни оғритди. Не ажаб, хорижлик меҳмоннинг ижтимоий тармоқлардаги чиқиши ўша худуд масъулларининг пинагини ҳам бузмаган шекилли!

XVIII асрдаги саноат инқилобига, Ер юзидаги 90 фоиз аҳоли қишлоқ ҳўжалиги билан шуғулланиб, кун кечирган. Кейинчалик рўй берган индустриал портлаш, завод ва фабрикаларнинг кетма-кет очилишидаги жараёнларнинг борган сари автоматлашиб бориши жуда ҳам катта иқтисодий ўсишга сабаб бўлган. Лекин айнан шу ўзгаришлар экологияга тиклаб бўлмас зарар етказадиган жараёнларга старт берди. Саноат революцияси бошлангандан бери Ер юзида чиқинди турлари кундан-кунга кўпайиб борапти. Мисол учун, муддати тугаб ахлатхоналарга ташланадиган пластик (чиқиндининг бир тури) табиатга зарар келтиради, аммо сув ҳавзаларида тўпланадиган чиқинди зарари ундан 100 баробар кўпроқ. Бу экологик фожиа.

Пластик сабабли ҳар йили 1 миллиондан ортиқ денгиз жонзотлари ва қушлари нобуд бўлар экан. Бу фақат аниқланган статистика. Аниқланмагани қанча... Шунчаки пластик буюм ёки нейлон тўрга илакишиб қолиш денгиз мавжудоти учун аянчли якун топиши мумкин. Чунки тана тузилиши туфайли уларнинг ҳаракатлари жуда ҳам чекланган. Сувдаги чиқинди уюмлари – аксарият денгиз вакиллари учун ҳақиқий тузоқ.

Сувга тушган пластик – вақт ўтиши билан куёш ультрабинафша нурлари, тўлқинлар, тузлар таъсирида парчаланиб, микропластик ҳосил қилади. Бу пластикдан кўра даҳшатлироқ нарса. Чунки микропластик яхши адсорбент ҳисобланади: сувда у қишлоқ ҳўжалиги ва саноатдан чиққан захарли токсин моддаларни ўзига шимиб олади.

Денгиз жониворлари, майда балиқлар микропластикни планктон деб ўйлаб, истеъмол қилишни бошлайди. Натижада токсинлар микропластикдан балиқ танасига ўтади. У балиқни эса бошқа йирикроқ балиқ истеъмол қилади. У эса бир кун келиб инсон қармоғига илинади.

Қарабсизки, ўзимиз захарлаган балиқ ликопчамизда!



Наргис ҚОСИМОВА,
филология фанлари доктори, «Гендер тенглик»,
«Экожурналистика» йўналишларига ихтисослашган
журналист:

– Менимча мутасаддиларни биринчи айбдор қилиш хато. Бу ҳолатга ўша кўчадан юрган инсонларнинг ўзи айбдор. Наҳотки чинқинди учун мўлжалланган махсус жойларни кўрмаса улар... Биламизки, ҳайвон ҳам ётган ўрнини тозалаб ётади. Аҳолимизнинг айрим қатламлари ҳаттоки жуда ҳам кўпчилиги шу ўрнини ҳам тозалай олмайди. Ҳайратланарлиси шу даражада ўз шаҳрига, маҳалласига эътибори, меҳри кам... Улар фақат уйини тозалайди, кўчасини тозалайди лекин шаҳарнинг тозалигига эътибор бермайди.

Масъулларнинг ҳам бу вазиятда айби бор, чиқинди қутиларини кўпайтириш керак, пиёдаларга қулайроқ ўрнатиш лозим ва маълум маънода тегишли худудларини назоратга олишлари ҳам шарт.

2018 йилда Вазирлар Маҳкамаси қарори билан кўчалар, йўлақлар, марказий майдонлар, кўприклар, тунеллар, хиёбонлар ва умуман шаҳар инфратузилмасига кирувчи жойларни ҳар 40–50 метрида урна шартлиги тўғрисидаги тартиб тасдиқланганди. Лекин кўриб турганимиздек, пойтахтимизда ҳалигача урна етишмовчилиги муаммо бўлиб турибди.

Бутун Ўзбекистонда тозаланиш сақлаш учун жарималар қўлланилиши керак. Иккинчидан жамоатчилик назоратини кучайтириш керак. Ҳозир ҳамма жойда камера бор. Мана шу камералар орқали Экология вазирлиги милиция ходимлари жамоат жойларида тозаланиш пугур етказадиганларни аниқлаб, уларни белгиланган меъёрларда жаримага тортиши лозим.

Барча ташкилотларда корпоратив ижтимоий масъулият ҳақида тренинглар ўтиш керак ҳамда мактаб ва олий таълим муассасаларида ҳам экологик-ижтимоий масъулият тушунчасини кенгроқ тарғиб этиш лозим.

Экологик – ижтимоий масъулият нима? Бу чироқларни ёқилган ҳолда қолдирмаслик, сувни тежаш, атроф-муҳитни ифлос қилмаслик, табиатга зарар етказмаслик дегани.

Эсланг, ота-боболаримиз покизаликни доим биринчи ўринга қўйган. Оқар сувларнинг атрофларини тоза тутган, маҳалла, кўчаларнинг тозаланиши назорат қилган. Чиқиндиларни турига қараб ҳатто фойдаланган. Авваллари ҳашарлар билан худудлар тозаланган. Ҳашарлар эълон қилинмаган, ҳамма яқдил бу ишларни амалга оширган. Ҳозир-чи? Ҳозир биз тозаланиш ободонлаштириш ходимларининг вазифаси деб ўзимизга қатъий сингдириб олдик. “Тозалайди-да, ойлигини олапти-ку”, деб уларнинг меҳнатини қадрлашни истамаяпмиз.

Дилнура МАМАСАФӨЕВА тайёрлади



Юртни севган, ҳар куни юрадиган кўчаларини қадрлайдиган одам албатта унинг ҳар бир қарич жойини асрайди. Хорижликлар майли, ўзининг кўзи қувониши, тоза йўлақлардан юриши, фарзандларини озода яшаши учун ҳам масъулиятдан қочмайди.

Шаҳримизни озода сақлайлик! Ахир покиза жойларда яшаш, тоза кўчалардан юриш, тоза ҳаводан нафас олиш кимга ёқмайди?! Ўз аксимиздан уялмай, кўзгуга тик боқайлик! Бирлашайлик!





МУАММОСИ ҲАЛ ЭТИЛАДИ...МИ?



Араб дунёси мамлакатлари анчадан бери чучук сув муаммоси билан тўқнаш келмоқда. Саудия Арабистони, Кувайт, Қатар каби бадавлат мамлакатлар тоза ичимлик сувини сотиб олиш имкониятларига эга.

Аммо қашшоқ давлатлар ҳар томчи сувни тежашга ҳаракат қилмоқда. АҚШнинг Калифорния Университети, НАСА ва Атмосфера тадқиқотлари Миллий маркази олимларининг сўзларига қараганда, Яқин Шарқ минтақаси 2003 йилдан бери чучук сув захираларини йўқотиб бормоқда. Олимларнинг фикрича, бунга ер ости сувларининг йўқолиб бораётгани сабаб бўлган.

Деҳлидаги Мустақил Сиёсий тадқиқотлар маркази профессори Брахма Челланининг бир неча йил аввал "Project Syndicate" нашрида босилган мақоласида айтилишича, минтақадаги сув етишмовчилиги зўравонликларнинг кучайишига сабаб бўлади. "Араб мамлакатларида бугунчалик тарихда ҳеч қачон сув муаммолар кузатилмаган эди. Бу минтақада Баҳрайн, Жибути, Ғазо минтақаси, Иордания, Қувайт, Ливия, Қатар, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари каби давлатлар жойлашган. Уларни сув ресурслари билан таъминлаш масаласида қашшоқ мамлакатлар дейиш мумкин. Аҳоли сонининг ошиб бориши, табиий экотизимни сув билан таъминлаш сув муаммосини келтириб чиқармоқда. Халқнинг норозиликлари минтақа мамлакатлари келажагига соя солиши аниқ" дейди таҳлилчи ва араб дунёси муаммолар қуршовида қолганини таъкидлаб ўтади. Жумладан, минтақада давом этаётган қуролли тўқнашувлар, можаролар туфайли аҳолининг ўз масканларидан бош олиб кетаётгани мазкур мамлакатлар келажагини туман остига қўймоқда.

Сув ресурслари билан боғлиқ муаммо аҳолининг бош кўтаришига сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари, сув муаммоси давлатлараро кескинликларга сабаб бўлишидан асло кўз юмиб бўлмайди. Сувдан қурол сифатида фойдаланиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, араб мамлакатларига чучук сув бошқа давлатлар ҳудудларидан келади. Бу ўз навбатида шундоқ ҳам беқарор бўлган минтақадаги вазиятни янада кескинлаштириб юбориши мумкин.

Минтақада туғилиш даражасининг юқорилиги ҳам кескинлик манбаларидан бири сифатида кўрилади. БМТ ҳисоботларига кўра, яқин орада араб давлатларида аҳоли бошига ҳисоблаганда сув тақсимоти 460 кубометрдан тўғри келиши мумкин. Бу белгиланган 1 минг кубометрдан анча камлиги шундоқ кўриниб турибди. Бу ўз навбатида барқарор тараққиётга салбий таъсир кўрсатиши аниқ. Таҳлилчиларнинг фикрича, сув муаммоси юз бериши мумкин бўлган тартибсизликларнинг оловиға мой сепиш билан тенгдир.

Муаммони бартараф этиш йўлида айрим мамлакатлар нафақат сув нархиға, балки бензин ва озиқ-овқатлар баҳосига ҳам субсидия киритишлари мумкин. Бироқ минтақадаги экологик, демографик, иқтисодий омиллар сув муаммосини кучайтираверади ва ишсизликларга сабаб бўлади. Бу ўз навбатида ижтимоий тартибсизликларга олиб келади. (Яқин Шарқ минтақасида аҳоли сони 1990 йилдан 2010 йилгача 50 фоиз ошиб, 124 миллион кишиға етган). Шу сабабли мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўлида бир қатор ишларни амалға ошириш керак. Жумладан, қишлоқ хўжалигида имкон қадар сувдан фойдаланишни камайтириш, сув инфратузилмаларини мустаҳкамлаш зарур. Сув тақсимотини яхшилаш, ёмғир сувларини тўплаш борасида бир қатор ижобий ишлар ҳам амалға оширилмоқда. Масалан, Иордания ва Исроил Европа Иттифоқининг қўллаб-қувватлови билан "Қизил денгиз – Ўлик денгиз" сув қувурини қурган. Бу лойиҳа Қизил денгиз сувини чучуклаштириб, Иордания, Исроил ва Фаластин ҳудудларини тоза ичимлик суви билан таъминлайди. Тузли сув эса Ўлик денгизга юборилади.

Сув ресурсларидан фойдаланиш сифатини яхшилаш керак. Бунинг учун сувға нарх белгилашда бир қарорга келиш зарур. Бу сувдан мақсадли фойдаланиш имконини яратиб, сув ресурсларини тежайди. Субсидияларни бутунлай бекор қилиб бўлмайди, балки уни мақсадли йўналтириш керак. Бой ва барқарор мамлакатлар можаролар кузатилаётган давлатлар билан бир ёқадан бош чиқарган ҳолда муаммоларни бартараф этишлари лозим. Акс ҳолда сув муаммоси вазиятни янада кескинлаштириб юбориши мумкин.

Сувға бўлган талабнинг юқорилиги, қишлоқ хўжалигида ҳаддан зиёд сувдан фойдаланиш сув сифати ва миқдорини кескин камайтириб юборди.

Сувсиз цивилизация бўлмайди. Агар мавжуд вазият сақланиб қолса, у ҳолда Яқин Шарқнинг катта қисми ижтимоий фожиалар минтақасига айланиб қолади. Ҳозирнинг ўзидаёқ тинч аҳоли вакиллари ўз жонларини сақлаб қолиш имкониятларини қидиришмоқда. Улар Италия ва Греция томон йўлга чиқишмоқда.

Жаҳондаги вазиятни таҳлил қилган олимларнинг фикрича, 2030 йилға бориб сувға талаб захираларнинг 40 фоизини ташкил қилади. Шаҳар аҳолиси сонининг кўпайиши, озиқ-овқат маҳсулотларига талабнинг ошиши, иқтисодиётдаги ўсиш сувға эҳтиёжнинг ортишига сабаб бўлади.



«LOMBARD VENERA-KREDIT» МЧЖнинг
Баланс ҳисоботи 2022 йил 31 декабрь ҳолатига

Table with 4 columns: КОД, ТАРИФ, КЎРСАТКИЧЛАР, МИНГ СЎМ. Rows include categories like АКТИВЛАР, МАЖБУРИЯТЛАР ва КАПИТАЛ, and various financial items with their corresponding values.

«LOMBARD VENERA-KREDIT» МЧЖнинг
Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи

Table with 4 columns: КОД, ТАРИФ, КЎРСАТКИЧЛАР, МИНГ СЎМ. Rows include categories like 1. ФОНДЛИ ДАРОМАДЛАР, 2. ФОНДЛИ ХАРАЖАТЛАР, 3. КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА КЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОНДЛИ ДАРОМАДЛАР, etc.

Молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланади. «FTF-LEA-AUDIT» МЧЖга аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия берилди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги серияси 01.04.2019 й. 00747-сон (илгари лицензияга эга бўлган) 2008 йил 18 февралдаги 00202-сон). Молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги тўғрисидаги маълумотлар «LOMBARD VENERA-KREDIT» МЧЖ 2022 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, мустақил ҳисоботида келтирилган аудиторлик ташкилоти. "...молиявий ҳисоботлар барчасида ишончли акс эттирилган 31 декабрь ҳолатига Ломбарднинг молиявий ҳолатининг моддий жиҳатлари 2022 йил, фаолият натижалари қонуний талабларга жавоб беради. Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисоби бўйича".

«ALFA MIKROMOLIYA TASHKILOTI» МЧЖнинг
Баланс ҳисоботи 2022 йил 31 декабрь ҳолатига

Table with 4 columns: КОД, ТАРИФ, КЎРСАТКИЧЛАР, МИНГ СЎМ. Rows include categories like АКТИВЛАР, МАЖБУРИЯТЛАР ва КАПИТАЛ, and various financial items with their corresponding values.

«ALFA MIKROMOLIYA TASHKILOTI» МЧЖнинг
Молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи 2022 йил 31 декабрь ҳолатига

Table with 4 columns: КОД, ТАРИФ, КЎРСАТКИЧЛАР, МИНГ СЎМ. Rows include categories like 1. ФОНДЛИ ДАРОМАДЛАР, 2. ФОНДЛИ ХАРАЖАТЛАР, 3. КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГЛАР БЎЙИЧА КЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОНДЛИ ДАРОМАДЛАР, etc.

Ушбу ҳисобот МЧЖ шаклидаги «KONCAUDITINFORM» аудиторлик ташкилоти томонидан 31.12.2022 йилдаги ижобий хулоса билан тасдиқланди. (Лицензия Молия вазирлиги томонидан Серия АФ № 00771 рақами остида 05.04.2019 йилда берилган).

TOSHKENT OQSHOMI logo and contact information including address and phone number.

Манзилнинг: 100029, Тошкент шаҳри, Магбуотчилар кўчаси, 32. Телефонлар: Кабулхона (71) 233 61 10, Реклама (71) 233 28 95.

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Магбуот ва ахборот бошқармасида «NISO POLIGRAF» МЧЖ босмахонаси.

Нашр учун масъул 3. НАЗАРОВ. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. Адади 500 нусха, қозғ бичими А3.

Топшириш вақти 00:55, Топширилди 05:00, Бюрогма - . Газета таҳририят компьютер марказида сақланган.

